

САЙЁХ ЎҒРИЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

*Боймуратов Бобур Холбой ўғли**

Аннотация. Мақолада мулкый турдаги жиноятларни, айниқса, ўғриликларни содир этиш билан шуғулланувчи сайёх жиноятчилар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг криминалистик тавсифи, унинг тушунчаси, жиноят белгиларини криминалистик аҳамиятга эга бўлган мезонлари, криминалистик тавсифнинг элементлари ва хусусиятлари ҳақида ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар. Жиноят, белги, криминалистика, тавсиф, ўғрилик, тергов, суд, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, сайёх ўғри, миграция.

Ҳар қандай жиноят ижтимоий хавфли қилмиш сифатида турли томонлардан тавсифланиши мумкин. Шундай қилиб, жиноят ҳақидаги тўлиқ ҳуқуқий билим уни жиноят ҳуқуқи, процессуал, криминалистик ва суд-тиббий муносабатларда тавсифловчи маълумотлар йиғиндисидан иборат.

Барча бир турдаги жиноятлар умумий бўлган белгилар уларни ҳажми жиҳатидан ҳар хил бўлган гуруҳларга бирлаштиради, масалан, барча ўғриликлар ёки фақат хонадон ўғриликлари ёхуд фақат автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва ҳ.к. Тўғри тизимлаштирилган ва типлаштирилган гуруҳ учун умумий белгилар жиноятларнинг маълум бир тури ёки кичик турининг криминалистик белгиларини ташкил қилади. Бу жиноятнинг ўзига хос “портрети”, кўплаб аниқ жиноятларни бирлаштирадиган умумий нарсага асосланган илмий абстракциядир.

Жиноятларнинг айрим турларини тергов қилиш методикаси таркибида криминалистик тавсиф ҳақли равишда устун мавқега эга. Бу унинг криминалистика ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва олдини олиш бўйича фаолиятидаги илмий-амалий аҳамияти билан боғлиқ.

Илмий категория сифатида криминалистик тавсиф турли хил (гуруҳлар) жиноятларнинг криминалистик жиҳатдан аҳамиятли белгилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади, тергов, эксперт-криминалистика ва суд амалиётини умумлаштириш натижасида доимий равишда янгиланади, уларни

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси.

тергов хилқилиш учун мавжуд бўлган такомиллаштириш ва янги услубий тавсиялар яратиш учун асос бўлади.

Криминалистик тавсифнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, уни ўрганиш терговнинг дастлабки ва кейинги босқичларида юзага келадиган тергов ҳолатларига тўғри ташхис қўйиш, тергов йўналишини аниқлаш, тергов тусмолларини илгари суриш, уларни текширишнинг энг мақбул усулларини аниқлаш ва тўғри тактик қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Жиноят белгиларини криминалистик аҳамиятга эга бўлган мезон бўйича ажратиб кўрсатиш учун куйидагилар асос бўлади: а) белгиларнинг мунтазам такрорланиши; б) криминалистик тавсифнинг таркибий-элементар базасини куриш учун эмпирик асос сифатида улардан фойдаланиш имконияти. Криминалистик аҳамиятга эга бўлган жиноятнинг барча томонларини тавсифловчи, уни ўрганиш жиноят процесси доирасидаги тергов мақсадларига эришиш учун фойдаланиладиган, мунтазам равишда такрорланадиган аломатлар деб ҳисобланади.

Ҳар бир жиноят жиной судлов соҳасидаги турли муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим бўлган кўплаб хусусиятларга эга. Шу билан бирга, терговнинг самарали усулларини аниқлаш учун муҳим бўлган криминалистик аҳамиятга эга хусусиятларни танлаш иккита ҳолатга боғлиқ.

Биринчидан, фақат криминалистик аҳамиятга эга бўлган белгилар мавжуд (масалан, ишда ҳақиқатни аниқлаш учун жиноятчига ва бошқа шахсларга қарши курашиш усуллари).

Иккинчидан, криминалистик аҳамиятга эга бўлган белгиларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш аниқ мақсадларда – тез, тўлиқ ва ҳар томонлама терговни таъминлайдиган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун амалга оширилади.

Криминалистик аҳамиятга эга бўлган белгилар тўғрисидаги маълумотлар тизимининг тузилиши уларнинг жиноят таркиби ва исботлаш предмети тўғрисидаги қоидаларга тегишлилиги билан белгиланади. Жиноятнинг криминалистик аҳамиятга эга белгилари тўғрисидаги маълумотлар тизими криминалистик белгиларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бундан ташқари, у жиноят белгилари ўртасидаги мунтазам муносабатлар ҳақида маълумот тизимини ўз ичига олади.

Алоҳида белгилар ва уларнинг гуруҳлари ўртасидаги мунтазам алоқалар криминалистик тавсифнинг энг муҳим хусусиятидир. Уларнинг аниқланиши муҳим эмпирик материалларга асосланади. Криминалистик тавсифдаги мунтазам алоқалар турли белгилар гуруҳларининг эҳтимоллий ўзаро боғлиқлиги ва муносабатларини акс эттириши мумкин. Энг муҳими жиной ҳужум предмети, жиноят ҳолатини, жиноятчининг шахсини, жиноят содир этишининг

типик усулларини, унинг излари ва оқибатларини тавсифловчи белгилар гуруҳлари ўртасидаги мунтазам алоқалар ҳисобланади.

Рус олими Е.П. Ищенко криминалистик тавсифни – маълум бир турдаги (гуруҳдаги) жиноятларнинг криминалистик аҳамиятга эга белгилари тўғрисидаги маълумотлар (ахборотлар) тизими сифатида, улар ўртасидаги табиий боғлиқликни экс эттирувчи ва тергов ҳолатларига ташҳис қўйишга ҳисса қўшиш, тергов йўналишларини аниқлаш, терговнинг аниқ вазифаларини ҳал қилиш учун тергов тусмолларини илгари суриш ва уни текширишни белгилайди, деб таъкидлаган[1].

Олим Т.В. Аверьянованинг фикрига кўра, жиноятнинг криминалистик тавсифи ҳодисанинг эҳтимолий моделидир ва шунинг учун эҳтимолий хулосалари – тергов тусмоллари учун асос бўлиши мумкин. Шу билан, криминалистик тавсифи ўзига хос матрица ролини ўйнайди: у муайян иш бўйича “қўйилган” ва унинг эҳтимолий моделини яратишга имкон беради. Бу унинг амалий аҳамияти бўлиб, уни бўрттириб бўлмайди, чунки криминалистик тавсифда мавжуд бўлган билимлар ишончли эмас, балки эҳтимолий тавсифга эга. Аммо терговнинг дастлабки босқичида ҳар қандай ҳақиқий билим, ҳатто эҳтимолий бўлса ҳам, юқори баҳога эга, чунки бк терговчига маълумотларнинг ноаниқлигини камайтиришга имкон беради[2].

А.А. Седов бошқача фикрни билдирмоқда, унда криминалистик тавсиф умумлаштирилган фактик маълумотлар ва уларга асосланган илмий хулосалар ва тавсиялар тизимини назарда тутиб, жиноятларнинг энг типик криминалистик аҳамиятга эга белгилари тўғрисида, уларни билиш уларни ҳар томонлама, тўлиқ, объектив ва тез фош этиш ва тергов қилишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун зарурдир.

Илгари Д.В. Гребельский, К.К. Горяинов, В.А. Лукашов ва бошқа олимлар томонидан тезкор-қидирув фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жиноятларнинг тавсифи тушунчасини киритиш таклиф этилган. Тезкор-қидирув фаолиятида жиноятларнинг “тезкор-қидирув тавсифи” атамасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида нуқтаи назар мавжуд бўлиб, унда тезкор-қидирув жиҳати энг хавфли ва ноаён ҳолатларда содир этилган жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув фаолиятининг кучлари, воситалари ва усулларини самарали қўллаш учун ахборотдан фойдаланиш заруратида аниқ ифодаланган.

Бироқ криминалистика фанининг таниқли арбоби Р.С. Белкин[3]нинг фикрича, баъзи бир тезкор-қидирув фаолияти фанининг олимлари томонидан “сунъий тушунчалар, масалан, тезкор-қидирув тавсифи (жиноятнинг криминалистик тавсифига ўхшаш)”нинг асосиз ишлатилишини қаттиқ танқид қилган.

Ушбу позицияни, хусусан, С.Э. Воронин[4] ҳам, кўллаб, жиноятнинг криминалистик тавсифини тезкор бўлима ходими ва терговчи учун алоҳида кўриб чиқиш криминалистика фаолиятида ягона билим объектини сунъий равишда ажратиш деган фикрни билдириб ўтган.

Турли фикрлар билан бир қаторда, агар жиноий-ҳуқуқий, криминалистик, криминологик ва тезкор-қидирув тавсифларини типик тузилмаларнинг элементларини солиштирсак, уларнинг ўхшашлигини шубҳа остига қўйиш мумкин эмас. Соҳавий тавсифларнинг ўхшаш элементларининг мазмуни ҳақида ҳам худди шундай хулосага келиш мумкин. Демак, жиноий-ҳуқуқий тавсифда “жиноят субъекти” ишлатилади. Ушбу элементнинг тузилиши мажбурий сифатида қуйидаги белгиларни ўз ичига олади: шахс, ақл-идрок ва жиноий жавобгарлик ёши.

Барча мунозараларни қолдириб, шуни таъкидлаш жоизки, фанда одатий криминалистик тавсифнинг тушунчаси ҳам, тузилиши ҳақида ҳам бирлик йўқ. Бироқ, кўпчилик олимлар унга элементлар сифатида қуйидагиларни киритмоқда:

- 1) жиноий тажовуз объекти (предмети)нинг тавсифи;
- 2) жиноят содир этиш ҳолати;
- 3) жиноятчи шахсининг тавсифи;
- 4) жабрланувчи шахсининг тавсифи;
- 5) жиноят содир этишнинг типик усуллари;
- 6) содир этилган жиноятнинг типик излари;
- 7) содир этилган жиноятнинг оқибатлари.

Сайёҳ ўғрилар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг тавсифини жиноятларнинг умумий криминалистик тавсифи нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, ушбу турдаги жиноятларнинг асосий хусусиятлари сифатида жиноятни яшаш жойидан ташқарида, яхшиси ривожланган транспорт инфратузилмаси ва маҳаллий аҳоли турмуш даражасининг юқори ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари бўлган йирик шаҳарларда содир этишини қайд этиш мумкин.

Ушбу хусусият ноқонуний миграция белгиси мавжудлигини белгилайди. Бироқ, жиноий мигрант ва сайёҳ ўғри тушунчаларини тенглаштириш учун, менимча, бундай бўлмаслиги керак, чунки ноқонуний миграция янада кенгрок субъектларни қамраб олади – улар ҳам чет эл фуқаролари, ҳам фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, фарқ жиноят объектида ҳам, унинг предметида ҳам (террористик ҳаракатлар содир этиш, гиёҳвандлик воситаларини мамлакатнинг турли ҳудудларида тарқатиш ва сотиш, фирибгарлар ва бошқалар) кузатилиши мумкин.

Шунга кўра, сайёҳ ўғриларнинг жиноятчилиги “жиноий миграция”нинг бир тури сифатида қаралиши мумкин. Фанда сайёҳ ўғриларнинг жиноятчилиги

тезкор-қидирув тавсифида ўрганилган, аммо у билан жиддий криминологик қизиқиш билан боғлиқ. Сайёҳ ўғрилар жиноят содир этиш учун доимий равишда ҳаракатда бўлган ва бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрган жиноятчиларнинг ўзига хос тоифаси сифатида намоён бўлади. Бундай ҳаракатлар, бир томондан, “маҳаллий” жиноятчиларга нисбатан юқори даражадаги жазосизликни таъминлаган бўлса, иккинчи томондан, жиноят содир этишнинг маълум бир усулини ниқоблаб, “қасбий” малакасини ошириш имконини беради.

Сайёҳ ўғрилар узоқ вақтдан бери маълум бўлиб, уларга мисоллар қиёсий-тарихий ёндашув асосида криминологик адабиётларда келтирилган. Улар сайёҳ ўғрининг ҳақиқий турини ифодалашига шубҳа йўқ, бунинг учун бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишлар жинойий фаолият учун зарур шарт ҳисобланади. Жиноятчиларнинг қонунга хилоф тажрибасини умумлаштириб, уларнинг жинойий алоқалар тизимига “қўшилиши” бу фаолият билан “жинойий миграция”нинг икки тури билан боғлиқ. Шундай қилиб, уюшмаган ва уюшган жинойий миграцияни фарқлаш мумкин.

Уюшмаган жинойий миграция бу ёлғиз ҳаракат қилишни афзал кўрадиган жиноятчиларнинг жиноят содир этиш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишдаги ҳаракатида намоён бўлади. Ушбу турдаги миграциянинг мисоли сифатида Интернет глобал тармоғида қўлга олинган жиноятчилар – сайёҳ ўғрилар ёки жиноят содир этиб қидирувда юрган шахслар ҳақидаги кўплаб эслатмалар ҳисобланади.

Уюшган жинойий миграция бу жиноятчиларнинг уюшган жинойий гуруҳлар ва жинойий уюшмалар манфаатларини кўзлаб бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиб амалга ошириладиган ҳаракатларидир. Бинобарин, уюшган жинойий миграция ташкилий даражаси билан фарқланади.

Тезкор-қидирув фаолияти амалиётидан маълумки, бир қатор ҳудудларда жинойий тузилмалар ўртасида етарлича барқарор муносабатлар мавжуд бўлиб, уй-жой, қайтиш учун йўл чипталари ва зарур маълумотлар (жиноят қурбонини танлаш, жиноят содир этилган жойдан қочиш йўллари) билан таъминланган сайёҳ ўғрилар гуруҳларини “ўз” ҳудудига таклиф қилиш фактларида намоён бўлади. Кўриб чиқиладиган мавзу билан бевосита боғлиқ бўлган жинойий ҳамкорликнинг бу тури кейинги йилларда салбий динамика билан тавсифланади. Кўриниб турибдики, бу ерда криминологик вазиятнинг ўзи турли минтақалар ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида фаол ҳамкорлик қилишдан далолат беради.

Юқори даражадаги уюшган жинойий миграцияга келсак, у жинойий уюшмаларнинг, хусусан, “қонундаги ўғри”ларнинг жинойий фаолияти билан боғлиқ. Мутахассисларнинг фикрича, жинойий муҳитнинг ушбу етакчилари ўзлари жинойий тузилмаларни бошқариш тизимини яратиш, мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида анча фаол тарзда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб

Ўтиб жиноий фаолият билан шуғулланмоқдалар. Букндан ташқари, улар жиноий мигрантлар оқимига уларнинг мақсадларига мос келадиган таъсирни ташкил қилади.

Жиноий миграциянинг ҳар хил турларини ажратиб кўрсатиб, демографик адабиётларда келтирилган тегишли таснифлардан фойдаланиш тавсия этилади, аммо бу демографик ғояларни криминологик маконга оддий ўтказиш эмас, аксинча, аниқланган турларнинг амалий аҳамият мезонига мос келишидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, трансмиллий миграция каби жиноий миграция тури шубҳасиз ажратишни талаб қилади. Унда ўз навбатида, икки турни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: узоқ хорижга ва орқага, яқин хорижга ва қарама-қарши йўналишда. Уларни мустақил кўриб чиқиш зарурати бундай миграцияларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, улар охир-оқибат асосан индивидуал ҳуқуқий ёндашувни талаб қилади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, сайёҳ ўғриларда дастлаб яшаш жойидан ташқарида ижтимоий хавfli қилмиш содир этишга жиноий мақсад мавжуд бўлади. Албатта, бундай ҳаракатлар учун мотивацион асос жуда кўп сабаблар (ўз манфаатлари, қасос, сиёсий фикрлар ва бошқ.) билан ифодаланиши мумкин, бироқ, “сайёҳ ўғри” унинг доимий ёки вақтинча яшаш жойини ўзгартириши жиноий фаолият билан бевосита боғлиқлигини албатта билади.

Мотивация “сайёҳ ўғрилар” хулқ-атворининг шахсий детерминантларининг ўзига хос интеграл (умумлаштирувчи) кўрсаткичи сифатида ишлайди, у:

биринчидан, у келишни белгилайдиган эҳтиёжлар ва манфаатлар билан узвий боғлиқ, шунинг учун у шахс ҳақида тасаввур беради;

иккинчидан, келишини рағбатлантирадиган муаммоли вазиятнинг мазмуни ва жиддийлигини тавсифлайди;

учинчидан, у асосан янги келганнинг хатти-ҳаракатини белгилайди.

Шундай қилиб, келиш мотивацияси ўзига хос хулқ-атвор механизмига киритилган ва ушбу механизмнинг бошқа элементлари билан алоқалар ва ўзаро таъсирларни очиқ беради, “сайёҳ ўғрилар”, хусусан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар каби тоифадаги жиноятларнинг сабабий комплексини аниқлаш доирасида таҳлил қилинадиган муҳим криминологик компонент ҳисобланади.

“Сайёҳ ўғрилар” томонидан содир этилган жиноятлар сонининг солиштира салмоғини оғирлик йўли билан содир этилган ғаразли ниятлардан келиб чиққан мулкни талон-торож қилиш жиноятлари эгаллайди.

Шундай қилиб, ўғрилик остида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, талон-торож қилишнинг яширин усули деганда, мулк эгаси ёки мулк ишониб топширилган ёки ихтиёрида турган шахсга сездирмасдан, улар йўқ вақтда ёхуд мулкдор ёки бошқа шахслар

мулкнинг талон-торож қилинаётганини тушунмаган вақтда содир этилиши тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ищенко Е.П. Криминалистика: Курс лекций. — М.: Юридическая фирма. «КОНТРАКТ»; АСТ-МОСКВА, 2007. — 416 с.
2. Аверьянова Т.В. Криминалистика: Учебник для вузов. 4-е издание. — М.: Инфра -М. 2017. — 98 с.
3. Белкин Р.С. Курс криминалистики: Общая теория криминалистики. В 3-х томах. Т. 1. - М.: Юристъ, 1997. - 408 с.
4. Воронин С.Э. Ситуационный анализ и его место в системе методов современной криминалистики. Уголовный процесс, криминалистика, судебная экспертиза; оперативно-разыскная деятельность. ГЛАГОЛЬ ПРАВОСУДИЯ. 2(10)/2015 – С. 45-49